

## Макка ва Мадинани боғлайдиган тезюрар поезднинг темир йўли қайта очилди



12:30 / 18.03.2021 1964

Макка ва Мадина ўртасидаги Ҳарамайн тезюрар темир йўл алоқаси шу ой охирида очилади. Ушбу хизмат 2020 йил март ойида коронавирус пандемияси сабабли тўхтатилган эди.

Islam.ru манбасининг хабар беришича, душанба кунидан бошлаб, йўловчилар чипталарни онлайн равишда буюртма қилишлари мумкин. Поездлар Маккада, Қирол Абдулазиз халқаро аэропортида ва Мадинада тўхтайди.

Ҳарамайн вице-президенти Райян Ал-Ҳарбийнинг таъкидлашича, Макка ва Мадинада саёҳатни тиклаш мақсадида поездлар хавфсизлигининг юқори даражада эканлигига тайёр бўлганидан сўнг Ҳажга борадиган зиёратчиларни қабул қилиш амалга оширилади.

Шунингдек, темир йўл яқинлашиб келаётган Ҳаж мавсумига тайёргарлик кўраётгани ва поезд ҳамда станция ходимларининг иш самарадорлигини таъминлаш мақсадида синовлар ўтказилмоқда.

Тармоқнинг янги жадвали кейинроқ эълон қилинади.

300 км/соат тезликда ҳаракатланадиган Ҳарамайн тезюрар поездининг темир йўли 2018 йил октябрь ойида очилган.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***